# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 2 декабрь, № 232 (6415) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ФИДОЙИ, ФАОЛ, ТАШАББУСКОР






*Бундан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштириш бўйича чора-тадбирлар қай даражада самарали амалга оширилаётганини, шунингдек, уларнинг ижтимоий қарашлари ва ёндашувларини аниқлашдан иборат эди. Тадқиқотда мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги турли ижтимоий гуруҳлар, миллат ҳамда эътиқод вакиллари қамраб олинди.*

*“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ўзбекистон аёллари — 2015: ижтимоий аҳвол ва ижтимоий кайфият” мавзуида ижтимоий сўров ўтказди.*



**ИЖТИМОИЙ ФИКР**

Маълум бўлдики, истиқлол йилларида жамиятимизда аёлларнинг роли ошган. Бинобарин, юртимизда хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, оналар саломатлигини муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий нормалар самарали рўёбга чиқарилмоқда. Сўров иштирокчилари давлат томонидан уларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича йўлга қўйилган тизимга юксак баҳо бердилар.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси асосида ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватланаётганлар сонининг ошиб бориш тенденцияси кузатилаётгани тадқиқотда ўз ифодасини топди. Респондентларнинг 94,3 фоизи ўзларининг таълим, бандлик ва тадбиркорлик, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилишидан ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини ҳис қилишини билдирган. Уларнинг фикрича, бундай муҳофаза асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қатнашчиларнинг мутлақ катта қисми таниш бўлган ундаги тегишли моддалар ҳисобланади.

Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, мустақиллик йилларида ўз ҳуқуқларини яхши биладиган аёллар сони сезиларли даражада кўпайган. Сўровда иштирок этганларнинг ҳар иккинчиси ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга ҳаракат қилаётганини айтиб ўтган. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми ёшлардир.

“Ижтимоий фикр” мониторингида нозик қалб эгаларининг 93,8 фоизи истиқлол йилларида ўзларининг фуқаролик йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ННТ фаолиятидаги социал, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсганини кўрсатди.

Шунингдек, улар аёлларнинг ҳудудий ҳамда маҳаллий бошқарув органларидаги иштироки сезиларли даражада ортганини таъкидлашган. Респондентларнинг ҳар учинчиси корхоналар ва ташкилотларда хотин-қизлар қўмиталари бошланғич бўғинлари — фаол иш олиб борадиган бўлинмаларнинг ўз вақтида ташкил этилишини қўллаб-қувватлаган.

(Давоми 2-бетда).

**ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН**

*Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, “электрон ҳукумат”ни шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.*

# «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи “электрон ҳукумат” тизими изчил татбиқ этилаяпти.

Бугун давлат органлари томонидан ўз фаолиятига ахборот тизими ҳамда ресурсларини жорий қилиш бўйича жадал иш олиб борилаётир. Натижада 320 дан ортиқ давлат ахборот ресурслари ва 465 дан зиёд давлат ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали аҳоли ҳамда тадбиркорларга хизмат кўрсатилаяпти. Жумладан, 2013 йилда жорий этилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи 250 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилаётир. Ўтган давр мобайнида улардан 380 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлар масофадан туриб фойдаланганı эътиборлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этишда аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида махсус портал фаолияти йўлга қўйилди. Унда айни пайтга келиб, фойдаланувчилар томонидан 73 та давлат органининг 237 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича 350 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботларни электрон шаклга ўтказиш натижасида солиқ ҳамда статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон тарзда топширилаяпти. Ҳисобкитобларга кўра, солиқ ҳисоботларининг электрон шаклда топширилиши туфайли солиқ тўловчилар томонидан йилига ўртача 197 тонна қоғоз ва 9 миллиард сўм маблағ тежалишига эришилди.

Божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ҳам тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, йил бошидан бери тадбиркорларнинг 174 мингдан зиёд ташқи иқтисодий шартномалари рўйхатдан ўтказилган.

Шу ўринда давлат органларининг ўзаро электрон муносабатини таъминловчи идоралараро электрон ҳамкорлик тизими жорий қилинганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда давлат органлари, уларнинг ҳудудий бошқармалари, таркибий бўлинмаларининг 14 мингдан ортиқ ходимлари уланган. Бу эса ушбу давлат органлари томонидан аҳоли ҳамда тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бошқа давлат органлари билан электрон муносабатни тезлаштириш орқали хизматлар сифатининг ошишига имкон яратаяпти.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун ҳам ушбу мақсадларга қаратилгани билан долзарбдир. Қонун “электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2015 йил 3 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 2 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

*Пойтахтимизда “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш: Ўзбекистон ва Европа давлатлари тажрибаси” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистон экологик ҳаракати, БМТТД, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Европа иттифоқи комиссияси делегацияси томонидан ташкил этилди.*

## Жамоатчилик экологик назорати:

# МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Тадбирда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Латвия, Сингапур, Япония, Ҳиндистон ҳамда бошқа давлатлардан мутахассислар ва экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари қатнашди.

Республикамизнинг барқарор тараққиёти, аҳолининг ҳаёт сифати ҳамда мустаҳкам саломатлиги табиий экотизимлар ва атроф-муҳит муҳофаза этиладиган шароитлардагина таъминланади. Бинобарин, мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни келгуси авлод учун сақлаш масаласига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Таъкидланганидек, юртимизда соҳага оид пухта институциявий ҳамда ҳуқуқий пойдевор яратилган. Бу борада экологик муаммоларга ечим топиш учун жамоатчиликни сафарбар қилаётган фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. У экологлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари ташаббуси билан аҳоли манфаатларига дахлдор атроф-муҳит ҳамда саломатлик муҳофазаси соҳасидаги долзарб муаммоларга ечим топиш мақсадида ташкил этилган. Дунё парламентаризми тарихида биринчи бўлиб мамлакатимизда Экоҳаракат депутатлари учун депутатларни квоталаш институти жорий қилинди. Бу эса экологик муаммоларни ечишда парламент ролини кучайтириш, депутатликнинг юксак минбаридан туриб атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғини муҳофазалаш соҳасидаги масалаларни илгари суриш, уларга оқилона ечим топиш, бу борадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, уларни ижро этишда жамоатчилик иштироки даражасини ошириш имконини берди.

(Давоми 3-бетда).

# Инсон манфаатлари – олий қадрият

*Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири, бу — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА**

Шу маънода, соҳа ислоҳотлари жараёнида халқимизнинг табиатига мос келадиган ярашув институти ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ниҳоятда муҳим янгилик бўлганини айтиш зарур. Бағрикенглик, олижаноблик ҳамда йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби эзгу қадриятларни ўзида мужассам этган мазкур институт амалда ўз самарасини бермоқда. У жорий қилинганидан буён ўтган давр мобайнида 159 минг 778 та иш бўйича 173 минг 214 нафар шахсга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланилгани бунинг яққол тасдиғидир. Ҳозирги кунда юртимизда 60 та жиноят бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд.

Миллий қонунчилигимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган “Хабеас корпус” институтининг туб замирида ҳам инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Дастлабки терговбосқичида суд назоратини кучайтириш ва бу соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, ушбу институт амалиётга татбиқ қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги Фармонига кўра, 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Шу билан бирга, 2007 йил 11 июлда қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

Бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд жараёнида “Хабеас корпус” институти самарали қўлланилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда тўлиқ таъминланиб келинмоқда. Шу ўринда “Хабеас корпус” институти қўлланилиши доирасини кенгайтиришда 2012 йил 18 сентябрда имзоланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Унга кўра, судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш ҳамда тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий нормалар таъминланишида муҳим роль ўйнамоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Тошкентда “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси томонидан болаларни ҳимоялаш масаласининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда босма ва электрон ОАВ ходимлари болаларнинг ижтимоий ҳимоясига оид миллий қонунчилик, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ва болалар билан ишлаш амалиёти билан таништирилди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида уюштирилган анжуманда глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олаётган ҳозирги мураккаб даврда ёшларни ахборот хуружи ва ғоявий-мафкуравий тажовузлардан ҳимоялаш, бу борада давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдида турган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

● Наманганда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

● Тошкент давлат юридик университетида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан видеоконференция ташкил этилди. Тадбир “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” лойиҳаси доирасидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини юқори савияда уюштириш масаласига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кенг полосали технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Инсон манфаатлари – олий қадрият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида белгиланган эҳтиёт чораларининг доираси кенгайтирилди. Яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди.

Яқинда ушбу йўналишда яна бир янги қадам қўйилди: 2015 йил 11 августдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш жазо чораси жорий этилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тизим ислоҳотлари билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилган. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда қатор қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжат билан мамлакатимизда амалда бўлган айрим қонунларга муҳим ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддаси янги меъёр билан тўлдирилди. Унда, аввало, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқи устуворлигини таъминлаш назарда тутилган. Эндиликда тадбиркор ўз фаолиятида таваккалчилик асосида илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредит юзасидан банк ҳамда молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятини бажармаган тақдирда, янги норма банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 66[1]-моддасидаги ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилди. Хусусан, Жиноят кодексида белгиланган “Сохта банкротлик”, “Банкротликни яшириш”, “Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш”, “Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш” каби жиноий қилмишлар ҳам ярашув институти таркибига киритилди.

Юртимиз қонунларида тадбиркорлар учун белгилаб берилган имтиёз ҳамда преференцияларнинг амалда рўёбга чиқарилиши учун барча чора кўрилаётганини айтиш ўринлидир. Бунда тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларига нисбатан судларнинг чора кўриши, ўз навбатида, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд органлари томонидан самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари давр талабига мос равишда изчиллик билан такомиллаштирилиб, уларга тегишли қўшимчалар киритиб борилаяпти. Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда катта роль ўйнамоқда. Унда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузгани муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилиши белгиланган.

Фармонда кўзда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Энди қонунчилигимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ҳамда молия ҳисоботларини тақдим этмаслиги ва улар кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши мустаҳкамланди. Табиийки, бундай имтиёз ҳамда енгилликлар юртимиз тадбиркорларига манзур бўлмоқда.

Албатта, судлар томонидан тадбиркорларнинг ҳар бир мурожаати алоҳида назоратга олиниб, қонуний тартибда ҳал этилаётир. Шу ўринда бевосита суд амалиётига эътибор қаратайлик. Хусусан, 2014 йилда жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жами 2 минг 419 нафар шахсга нисбатан 1 минг 651 жиноят иши кўрилган. Ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган жами ишлардан 1 минг 29 таси тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ. Уларнинг 85,3 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, шундан 99,1 фоизи қаноатлантирилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида судьялар таркибини сифат жиҳатидан янада яхшилашга эътибор қаратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг бир қатор фармонлари асосида судьялар ҳамда суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, судьялар малакасини ошириш ва судларнинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда судьяликка номзодларни тайёрлаш, уларнинг билим ҳамда малакасини ошириш бўйича 897 нафар судьяликка номзод Республика юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитилди. Вилоят судлари ва унга тенглаштирилган судларнинг 117 нафар судьяси Ўзбекистон Республикаси Олий судида амалиёт ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, қўшимча равишда 12 та фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) суди ташкил этилди. Бу амалий қадам суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир муҳим самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари” ҳақида ҳам тўхталиш ўринлидир. Буни амалга киритишдан кўзланган асосий мақсад — судьялар касбий фаолиятда ҳам, хизматдан ташқари вақтда ҳам одоб-ахлоқ қоидалари, жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига қатъий амал қилишларига эришишдан иборат.

Қолаверса, судьялар ҳар қандай вазиятда ўз шаъни, қадр-қимматини сақлаши, ҳеч кимга нисбатан қўпол муомалада бўлмаслиги, ҳамиша камтар, хушмуомала бўлиши даркор. Улар одил судловни амалга оширишда масаланинг холислигига, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши, судьянинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ҳамда суд нуфузига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари, ҳукм чиқариш ва қарор қабул қилишда қонунга ҳамда ўз ички ишончига таянишлари мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан махсус дастур ишлаб чиқилди. Шу асосда судлар фаолиятини компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизими ҳамда ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2015 йил 10 июнда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун билан аҳоли фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ҳамда бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларида “E-SUD” миллий ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби йўлга қўйилди. Жорий йилнинг якунига қадар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур, Учтепа, Яккасарой туманлараро судлари фаолиятига ҳам бу тизим жорий этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

**Шоюнус ГАЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Шу кунларда парламент қуйи палатаси қўмиталарида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда депутатлар, ҳуқуқшунос олимлар, суд ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари, қатор вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.*

# Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми

Таъкидланганидек, Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда манфаатлари устуворлигини таъминлаш, барқарор бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда онгу тафаккуридаги ўсиш суръатлари — Конституциямизда белгиланган қоида ва тамойиллар шарофатидандир. Унда мустақил юртимиз равнақи ҳамда фаровон ҳаётимиз асослари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда Асосий Қонунимиз қоида ва тамойилларини барча соҳада изчиллик билан татбиқ этишга қаратилган ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Ҳокимият тармоқлари бўлинишига оид конституциявий принципнинг амалга оширилиши, ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатининг самарали механизмлари жорий қилиниши демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми бўлди, — дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Владислав Цветков. — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Тадбирда олимлар ва ҳуқуқшунослар конституциявий ислоҳотлар, қабул қилинган қонунлар Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни ҳамда аҳамиятини сезиларли равишда кучайтириб, қонун чиқарувчи органнинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ролини кенгайтирганини таъкидладилар. Бу эса қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш билан бирга, қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Эътироф этилдики, ушбу жараёнда сиёсий партиялар фракцияларининг иштироки ҳам фаоллашиб бораяпти.

Қатнашчилар мамлакатимиз Конституциясининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга чуқур етказишга оид тарғибот ишларини кучайтириш лозимлигига урғу бердилар.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбати “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзуига бағишланди. Унда сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, инсон манфаатларини таъминлаш бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий негизидир. Конституцияда давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ҳамда жамиятнинг манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топган.

Асосий Қонунимизда давлатчилигимизнинг бой анъаналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари мужассамлаштирилган.

Тадбир қатнашчилари томонидан Конституция мамлакат парламентаризмининг ҳуқуқий асоси эканлиги, олиб борилаётган конституциявий ислоҳотларнинг давлат ҳамда жамият қурилишини янада демократлаштиришдаги аҳамияти хусусида тўхталиб ўтдилар. Қолаверса, хорижий давлатлар конституциявий тажрибаси ҳам таҳлил этилди.

— Асосий Қонунимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатни демократлаштириш, давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг ролини кучайтириш, шунингдек, миллий қонунчиликни такомиллаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини кафолатлашда алоҳида ўрин тутади, — дейди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Абдулла Ҳамроқулов.

Давра суҳбатида Конституцияда белгиланган тамойилларнинг устуворлигини таъминлаш, унинг асосида қабул қилинаётган, мамлакат тараққиёти ҳамда жамият фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш орқали демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу жараёнда фуқаролар ва жамоатчиликнинг иштирокини фаоллаштириш каби муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «Электрон ҳукумат» тизимининг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун билан электрон давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш кўзда тутилмоқда.

Қонунда “электрон ҳукумат” соҳасини давлат томонидан тартибга солиш нормалари мустаҳкамланган. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасига “электрон ҳукумат” соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ушбу соҳадаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш вазифалари белгиланган.

Шуни қайд этиш кераки, Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда “электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилади. Айни пайтда аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш қулайликлари ошади. Бинобарин, бизнес соҳаси, ҳужжат айланиш механизмлари такомиллаштирилади, фуқароларга уйи ёки ишхонасидан туриб, электрон шаклда мурожаат қилиш, маълумотнома ҳамда бошқа ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш имкониятини берадиган интерактив хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда Қонуннинг мақсад ҳамда вазифалари, асосий тушунчалари, “электрон ҳукумат” тизимининг асосий принциплари, унинг ишини ташкиллаштириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишга қўйиладиган талабларга оид нормалар қайд этилган. Шунингдек, Қонунда “электрон ҳукумат” инфратузилмаси, мазкур соҳадаги давлат бошқаруви, давлат органларининг “электрон ҳукумат” тизими доирасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид муносабатлар тартибга солиниши белгиланган.

Унга мувофиқ, “электрон ҳукумат”, давлат хизмати, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизмати, электрон давлат хизматининг регламенти, “электрон ҳукумат”нинг ягона идентификаторлари каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилмоқда ҳамда уларга тегишли таъриф берилаяпти.

Қонунда “электрон ҳукумат” тизимининг асосий принциплари мустаҳкамланган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши, “бир дарча” принципи бўйича электрон давлат хизматларини кўрсатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принциплар шулар жумласидандир.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётга татбиқ қилиниши, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш орқали чет эл инвесторларини жалб этиш, халқ фаровонлигини, юрт равнақини янада оширишга, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ**
**масалалари қўмитаси**
**раиси ўринбосари.**

# Фидойи, фаол, ташаббускор



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Социал тадқиқот натижалари мамлакатимизда аёлларнинг профессионал ҳамда ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча имконият яратилганини яна бир карра тасдиқлади. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти иш жойидаги мавжуд шароитлардан қониқиши ва мансаб поғоналаридан кўтарилишга ҳаракат қилишини қайд этган. Зотан, респондентлар меҳнат ҳамда касбу корда ўз иқтидорини намоён қилишни ҳаёт мазмуни ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш имконияти, деб билади. Аёллар меҳнатни муҳим ҳаётий қадрият сифатида эътироф этадилар. Уларнинг фикрича, иш қизиқарли, ижтимоий аҳамиятга эга ҳамда фойдали бўлиши лозим.

Ўз навбатида, Ўзбекистон хотин-қизларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги фаолияти ўсиши кузатилаётир. Ишбилармон ҳамда ташаббускорлар учун эса қўшимча қулайликлар — имтиёзли кредитлар ва преференциялар, семинарлар ҳамда тренингларда қатнашишга шароитлар яратилган.

Таҳлилга кўра, мустақил Ўзбекистон аёллари қадриятлар ва қарашлари тизимида мақсадли ҳаётий ёндашувлар асосий ўринни эгаллайди. Респондентларнинг 94,1 фоизи ҳаётда аниқ мақсадга эга эканлигига урғу бериб, бу уларни иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда фаол иштирок этиши, жамият ҳамда ўсиб келаётган авлод олдидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлаган. Тадқиқот қатнашчиларининг мутлақ катта қисми оилавий қадриятларни устувор, деб билади. Хусусан, уларнинг 93,1 фоизи охирги йилларда аёлларнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ошган, деб ҳисобласа, 84,4 фоизи оилада ижобий муҳит шаклланишида нозик қалб эгалари кўпроқ иштирок этаяпти, дея фикр билдирган. 78,7 фоизи эса аёллар тез-тез муҳим қарорлар қабул қилиши, оилавий бюджетга катта ҳисса қўшаётганини айтиб ўтган.

Умуман, социал тадқиқот Ўзбекистон аёлларининг ўзига хос ижтимоий қиёфаси шаклланаётганини ифодалади. Улар — таълим олаётган, касб эгаллаётган, ўсишга интилаётган, мамлакат ва жамият ҳаётида қатнашаётган ижтимоий фаол шахсдир. Айни чоғда ватанпарварлик ҳамда давлат ишларига дахлдорлик ҳисси унга хосдир. Зеро, респондентларнинг мутлақ аксарияти ўзини бахтли, деб ҳисоблайди. Келажакка ишонч, оила ва юртимиздаги тинчлик, яқинларининг соғлиғи ҳамда саодати, фаровонликнинг ўсиб бориши уларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардир. Юртимиз аёлларининг 86,1 фоизи ўз турмушидан рози. Жавоблардаги бундай ёндашув ва кайфият мустақиллик йилларида жамиятда аёлларнинг роли ҳамда мавқеини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятларини юзага чиқариш бўйича амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

**«Ижтимоий фикр»**
**жамоатчилик фикрини**
**ўрганиш маркази**
**материаллари асосида**
**М. ҚОСИМОВ тайёрлади.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

# Кичик бизнес ва солиқ меъёрлари

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Солиқ Инфо” газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бухгалтерлари учун “Кичик бизнесга солиқ солиш билан боғлиқ долзарб масалалар” мавзуида семинар ташкил этилди.*

СЕМИНАР

Маълумки, жорий йил учун якуний солиқ ҳисоботини топшириш муддати тобора яқинлашмоқда. Бу жараёнда солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашда хатоликка йўл қўймаслик мақсадида унинг барча жиҳатидан бохабар бўлиш ўта муҳим. Шунинг учун ҳам қатнашчилар ушбу семинарнинг ўз вақтида ташкил этилганлигини ва кун тартибига ғоят долзарб масалалар киритилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда дастлаб иштирокчилар томонидан кўп тармоқли корхоналарнинг фаолият турлари ва уларнинг бошқа даромадларига нисбатан ягона солиқ тўлови ставкаларини қўллаш бўйича берилган саволлар кўриб чиқилди. Сўнгра улгуржи-чакана савдо корхоналари ҳамда хом ашё ва материалларни қайта ишлашга топширувчи (даваль хом ашёлари) ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ягона солиқ тўлови ставкаларининг қўлланилиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидландики, турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда бошқа даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади. Мабодо, асосий фаолият тури бўйича солиқ имтиёзи мавжуд бўлса, у бошқа даромадга нисбатан ҳам қўлланилади.

Тадбирда ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлаш тўғрисидаги масалага ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи кичик ишлаб чиқариш корхоналари учун қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлаш афзаллиги қайд этилди. Чунки улар хом ашёни харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишда қўшилган қиймат солиғини ноль ставка бўйича ҳисоблайди.

Бундан ташқари, ушбу ҳолат ўз маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) умумбелгиланган солиқ тўловчилари бўлган корхоналарга реализация қилувчилар учун фойдалидир.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Айтиш жоизки, бундай тадбирлар нафақат солиқ тўловчилар, балки норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар учун ҳам фойдалидир. Негаки, уларда қабул қилинаётган ҳужжатларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича юзага келувчи саволларга ечим топилади.

**Давлат солиқ**
**қўмитасининг**
**Ахборот хизмати.**

# Жамоатчилик экологик назорати: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон экологик ҳаракати бугунги ва келажак авлоднинг мусаффо атроф-муҳитда ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, табиий ресурсларни асраш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш соҳасида фаолият юритаётган 220 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштирган.

Юртимизда экологик қонунчиликни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Чунончи, жабҳага доир ўттизга яқин қонун, юзлаб қонуности ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳам атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга уларни кенг жалб этиш имконини бермоқда. Шубҳасиз, 2013 йилнинг декабрь ойида кучга кирган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Айтиш жоизки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан уни янада маромига етказиш бўйича тақдим этилган уч мингдан ортиқ таклифлар бунга мисол бўла олади.

Бу Қонун табиатни асраб-авайлашда долзарб саналади. Унинг асосий вазифалари атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, ифлосланиши ва табиий ресурслардан ноокилона фойдаланилишига олиб келиши ҳамда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлашдан иборатдир.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда экологик назорат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни авайлаб асраш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ҳамда жамоатчилик чора-тадбирлари тизими экани белгилаб берилган. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назорати ҳамда атроф-муҳит ҳолатини ва унинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан ноокилона фойдаланишга олиб келишини, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришни амалга оширади. Уларга экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, махсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли таклифлар киритиш ҳуқуқи берилди. Қонунда маҳалла институти қатори нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича давлат дастурларини амалга оширишда қатнашиш, жамоатчилик экологик назоратини олиб бориш, махсус ваколатли давлат органларига жойларда экологик вазиятни яхшилаш бўйича таклифлар киритиш ҳамда бошқа ҳуқуқларга эга.

Давра суҳбатида атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида жамоатчилик иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича Япония, Сингапур, Франция, Австрия, Латвия тажрибасига оид маълумотлар тақдим этилди. Муҳокамалар давомида хорижлик экспертлар томонидан “Экологик назорат тўғрисида”-ги Қонун экологик муаммоларни самарали ҳал қилишда катта мазмун-моҳиятга эга экани алоҳида айтиб ўтилди. Экологик назоратда жамоатчилик иштироки бўйича ўзаро тажриба алмашиш эса атроф-муҳит муҳофазасида ННТни фаоллаштириш механизмларини янада такомиллаштиришга туртки бериши, шубҳасиз.

Мазкур тадбир экспертлар, парламент аъзолари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида конструктив мулоқот ўрнатиш, экологик назоратни рўёбга чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолида экологик маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш имконини яратди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сўз — халқаро давра суҳбати иштирокчиларига

**Касперс ГЕРХАРДС,**
**Латвия Республикаси атроф-муҳит ва минтақавий ривожланиш вазири:**

— Тадбирга юқори экспертлик савиясига эга маҳаллий ва хорижлик иштирокчилар таклиф этилгани ҳам республикангизда экологик назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Давра суҳбати доирасида Ўзбекистон ҳамда бошқа қатор давлатларнинг соҳадаги тажрибаси намойиш этилиб, муҳокама қилинди. Бу ҳамма учун фойдали бўлди. Зеро, сайёрамиз биз асраб-авайлаб, келажак авлод учун етказиб берадиган умумий уйимиздир. Бинобарин, инсон саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ атроф-муҳитни яхшилаш масалаларига биргаликда ечим излаш муҳимдир.

Ўзбекистон ва Латвия бу соҳада самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатингиз парламенти билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан умумий ҳаракатлар режаси амалга оширилаяпти. Ишончим комилки, бундай муносабатлар нафақат идоралараро, балки ноҳукумат ва давлат органлари даражасида ҳам самарали бўлади.

**Мартин ЮНГ,**
**Австрия технологиялар институти сув ресурсларини бошқариш бўйича эксперти:**

— Табиатни асраш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш жараёнига жамоатчиликни кенг жалб этиш давр талабидир. Шунинг учун ҳам қонунчиликда жамоатчилик экологик назорати механизмининг мустаҳкамлаб қўйилиши атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий ҳужжатларни самарали амалга ошириш нуқтаи назаридан айни муддаодир. Қолаверса, бу жамоатчиликнинг мавжуд экологик таҳдидлардан кенг хабардор қилиниши, уларнинг салбий таъсирини бартараф этишга янада тайёр бўлиши учун имконият туғдиради.

Ўзбекистон парламентида Экоҳаракат учун депутатлик ўринларининг ажратилгани мамлакатингизда экология ва табиат муҳофазаси масалаларига катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

**Эдвин СИ,**
**Сингапурнинг Атроф-муҳит бўйича кенгаши ижрочи директори:**

— Ўзбекистон ва Сингапурнинг атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш бўйича қарашлари ўхшаш. Мазкур йўналишда давлатнинг алоҳида эътибори, жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишга интилиш шулар жумласидандир. Аслида ҳар бир инсон сайёрамизни асраб-авайлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг мазкур соҳада қабул қилаётган чора-тадбирлари ўз самараларини беради ва бундай тўғри ёндашув мамлакатингиз томонидан фаол ўрганилиб, фойдаланилаётган илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда давом эттирилади.

**Пьер-Эммануэль ДЮПОН,**
**“Volterra Fietta” компанияси адвокати, Париж университетининг ҳуқуқ, иқтисодиёт ва бошқарув бўйича эркин факультети катта ўқитувчиси:**

— Францияда жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки Конституция даражасида тартибга солинган. Экология соҳасида юртингизда миллий ҳамда минтақалар миқёсида қабул қилинадиган ҳар қандай қонун лойиҳалари Асосий Қонун талабига жавоб бериши, шунингдек, жамоатчилик эшитувидан ўтказилиши керак. Ушбу жараёнда фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз ўринларига эга Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолияти юртингизда экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш жабҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда катта роль ўйнайди.

Мамлакатингизда бу борада сезиларли ютуқларга эришилганини кўриб турибмиз. Зеро, Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофазалаш борасида ННТ фаоллигини кучайтириш бўйича Марказий Осиёда етакчи ҳисобланади.

ЭЪЛОНЛАР



## САВДОЛАРГА ТАКЛИФНОМА

**«Тахиатош ИЭС» АЖ/ПКТ-2015-1**

**Сана — 2015 йил 2 декабрь.**
**Қарз маблағининг рақами ва номи — 3141-UZB. Тахиатош ИЭС салоҳиятини ривожлантириш лойиҳаси.**
**Шартнома рақами ва номи — «Тахиатош ИЭС» АЖ/МКТ-2015-1.**
**Лойиҳа — «Тахиатош ИЭСда қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш».**
**Таклифни топшириш муддати:**
**Сана — 2016 йил 2 март. Вақти — соат 10.30 Тошкент вақти билан (GMT +5.00).**

**I.** Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банки (ОТБ)дан Тахиатош ИЭС салоҳиятини ривожлантириш лойиҳасини молиялаштиришга қарз маблағини олди. Ушбу қарз маблағининг бир қисми юқорида кўрсатилган шартномани тўлаш учун фойдаланилади. Танлов савдолари ОТБга мақбул бўлган мамлакатларнинг иштирокчилари учун очиқ. Мазкур шартнома ОТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎзРТТЖ) билан ҳамкорликда молиялаштирилади.

**II.** «Тахиатош ИЭС» АЖ «Ўзбекэнерго» АЖ («буюртмачи») савдоларнинг қонуний ваколатли иштирокчиларини **«Тахиатош ИЭСда қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш»** лойиҳаси бўйича қурилиш ва уни якунлашга танлов таклифлари солинган муҳрланган конвертларни топширишга таклиф этади. Халқаро танлов савдолари ОТБ тартиб-таомилларига мувофиқ икки босқичли танлов савдолари асосида ўтказилади.

**III.** Малакавий талаблар қуйидагилардан иборат.

**1.** Давом этаётган барча суд муҳокамалари иштирокчига қарши кўриб чиқилган, деб ҳисобланиб, умуман олганда, иштирокчи капитализацияси соф қийматининг эллик (50) фоиздан ортиғини ташкил этмаслиги керак.

**2.** Даъвогар охирги уч (3) йил (2012, 2013 ва 2014 календарь йили) давомида амалда бўлган ёки бажарилган шартномалар бўйича олинган сертификатланган тўловлар йиғиндиси сифатида ҳисобланган 200 млн. АҚШ долларилик ўртача йиллик айланма маблағга эга бўлиши лозим. Қўшма корхона (ҚК) ҳолатида сўнгги уч (3) йил давомида шериклардан бири 80 млн. АҚШ доллари ўртача йиллик айланмага ва ҳар бир шерик 50 млн. АҚШ доллари ўртача йиллик айланмага эга бўлиши ҳамда шерикларнинг ҳаммаси биргаликда ялпи ўртача ҳар йиллик айланма талабига мувофиқ келиши зарур.

**3.** Даъвогар мувофиқлик учун ликвид активлар, гаровга қўйилмаган реал активлар, кредит линиялари ва шартномалар бўйича ҳар қандай аванс тўловлардан фарқ қилувчи бошқа молиявий маблағлардан фойдалана олишини ёки уларнинг мавжудлигини намойиш этиши керак: (I) 48 млн. АҚШ долларилик пул оқимлари бўйича талаб билан ва (II) ушбу шартнома бўйича пул маблағларининг умумий талаблари ҳамда унинг жорий ишчи мажбуриятлари. ҚК ҳолатида, шериклардан бири ҳеч бўлмаганда 19,2 млн. АҚШ долларидан фойдалана олганида ёки унда шунча молиявий ресурслар мавжуд бўлганида, ҳар бир шерик 12 млн. АҚШ долларилик талабга мувофиқ келиши ҳамда шерикларнинг ҳаммаси биргаликда ялпи пул айланмаси талабига мос келиши зарур.

**4.** Ҳеч бўлмаганда аризаларни топшириш муддатигача охирги беш (5) йил давомида пудратчи ёки бошқарув бўйича пудратчи ролида шартномалар бўйича тажрибаси бўлиши лозим. ҚК ҳолатида шерикларнинг ҳар бири талабларга жавоб бериши керак.

**5.** Сўнгги ўн (10) йил давомида ҳар бирининг қиймати камида 384 млн. АҚШ долларини ташкил этган, муваффақиятли якунланган ва таклиф этилаётган станцияга ҳамда хизматларга ўхшаш бўлган икки (2) та шартномада пудратчи ёки бошқарув бўйича пудратчи сифатида қатнашган бўлиши зарур. Мазкур шартномалар иштирокчининг ўз мамлакатидан ташқарида якунланган бўлиши лозим. ҚК ҳолатида барча шериклар биргаликда талабларга мос келиши керак.

**6.** Даъвогар сўнгги беш (5) йил ичида энг камида битта 25 МВтлик иссиқлик электр станциясини фойдаланувдан чиқариш тажрибасига эга бўлиши зарур. ҚК ҳолатида шериклардан ҳеч бўлмаганда биттаси талабларга жавоб бериши керак.

**7.** Даъвогар тажрибаси бўйича қуйидаги муҳим талабларга мос келиши лозим: (а) минимум беш (5) йиллик муддатга эга бўлган камида учта (3) турли лойиҳада газ-турбина генераторларининг таклиф этилаётган моделларига хизмат кўрсатган, (б) охирги ўн (10) йил давомида комбинациялашган цикли камида 300 МВт бўлган ҳеч бўлмаганда икки (2) та электр станциясида қурилишнинг бош пудратчиси (EPC) сифатида лойиҳани муваффақиятли якунлаган бўлиши зарур. ҚК ҳолатида шерикларнинг барчаси биргаликда талабларга жавоб бериши керак.

**8.** Даъвогар ҳеч бўлмаганда қуйидаги мамлакатлардан бирида қурилишнинг бош пудратчиси (EPC) сифатида иш тажрибасига эга бўлиши лозим: Афғонистон, Туркманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Арманистон, Покистон, Озарбайжон. ҚК ҳолатида шериклардан ҳеч бўлмаганда биттаси талабларга жавоб бериши керак.

**IV.** Қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй,
**«Тахиатош ИЭС» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ.**
Телефон/факс: (+99871) 236-34-52.
Электрон манзил: pmutaxiatash@uzbekenergo.uz
Мурожаатларингиз нусхасини қуйидаги манзилга ҳам юборинг: takhiatash.pmu@gmail.com

**V.** Тендер ҳужжатларини инглиз тилида сотиб олиш учун савдоларнинг қонуний ваколатга эга иштирокчилари тендер савдоларини эълон қилувчидан сотиб олиши ва қуйидагиларни бажаришлари лозим:

- «Тахиатош ИЭС» АЖ/МКТ-2015-1 «Тахиатош ИЭСда қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш» шартномаси учун тендер ҳужжатлари юқорида кўрсатилган манзилга юборилади.
- Тендер ҳужжатининг 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдоридаги қопланмайдиган қийматини ёки унинг миллий валютадаги эквивалент суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича «Ўзбекэнерго» АЖнинг ҳисоб рақамига банк ўтказмаси орқали қуйидаги реквизитлар бўйича тўланади:

**«Ўзбекэнерго» АЖ,**

***Маҳаллий валюта учун (МБ курси бўйича)***
Манзил: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-371) 236-34-52.
ҳ/р: 20210000900117832001, ЎзСҚБ Амалиёт бошқармаси, Тошкент шаҳри,
МФО: 00440, СТИР: 200523134, ХХТУТ: 97300.

***АҚШ долларидаги ҳисоб рақами,***
ҳ/р: 20210840700117832004, ЎзСҚБ,
Свифт UJSIUZ22, CHIPS UID 353886,
МФО: 00440, СТИР: 200523134,
корреспондент-банк «CITIBANK N.A. New York USA»,
Свифт CITIUS 33, ҳисоб рақами 3611-4296.
Тўлов тафсилотларида қуйидагилар кўрсатилсин: № «Тахиатош ИЭС» АЖ/МКТ-2015-1 ОТБ шартномаси.

**VI.** Биринчи босқич бўйича танлов таклифлари:

- VI бандда кўрсатилган манзил бўйича;
- ушбу муддатдан кечиктирмасдан юборилади:
  Сана — **2016 йил 2 март**. Вақти — соат 10.30 Тошкент вақти билан (GMT +5.00).

Танлов таклифлари уларни беришнинг якуний муддати тугаганидан кейин дарҳол очилиш маросимида қатнашиш истагини билдирган савдо қатнашчиларининг вакиллари иштирокида очилади.

1795-1R/756

## INVITATION FOR BIDS

**№ JSC «Takhiatash TPP»/IFB-2015-1**

**Date December 2nd, 2015**
**Loan No. and Title3141-UZB. Takhiatash Power Plant Efficiency Improvement Project**
**Contract № and TitleJSC «Takhiatash TPP»/ICB-2015-1»**
**«Construction of two combined cycle gas turbine units with the capacity of 230 — 280 MW at Takhiatash TPP»**
**Deadline for Submission of BidsDate:**
**2nd of March 2016. Time: 10.30 (Tashkent local time GMT +5:00)**

**I.** The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Takhiatash Power Plant Efficiency Improvement Project. Part of this loan will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to Bidders from eligible source countries of the ADB. This Contract will be jointly financed by Asian Development Bank and Uzbekistan Fund for Reconstruction and Development (UFRD). The eligibility rules and procedures of ADB will govern the bidding process.

**II.** JSC «Takhiatash TPP» of Joint Stock Company (JSC) Uzbekenergo (the Employer) invites sealed bids from eligible bidders for the construction and completion of **«Construction of two combined cycle gas turbine units with the capacity of 230 — 280 MW at Takhiatash TPP»** (the Facilities). International competitive bidding will be conducted in accordance with ADB's «Two-Stage» Bidding Procedure and is open to all Bidders from eligible countries as described in the Bidding Documents.

**III.** Qualification requirements include.

**1.** All pending litigation shall be treated as resolved against the Bidder and so shall in total not represent more than 50 (fifty) percent of the Bidder's net worth.

**2.** The Bidder must have average annual turnover of US$200 million calculated as total certified payments received for contracts in progress or completed, within the last 3 (three) years (calendar year 2012, 2013 and 2014). In case of a JV, one partner must have an average annual turnover of USD80 million and each partner must have an average annual turnover of US$50 million, within the last 3 (three) years and all partners combined are required to meet the aggregate average annual turnover requirement.

**3.** The Bidder must demonstrate access to, or availability of, financial resources such as liquid assets, unencumbered real assets, lines of credit, and other financial means, other than any contractual advance payments to meet: (I) the cash flow requirement of US$48 million, and (II) the overall cash flow requirements for this contract and its current works commitment. In case of a JV, one partner with access to, or availability of financial resources of at least US$19,2 million, each partner is required to meet US$12 million and all partners combined are required to meet the aggregate cash flow requirement;

**4.** Experience under contracts in the role of contractor or management contractor for at least the last 5 (five) years prior to the bid submission deadline. In case of a JV, each partner must meet the requirement.

**5.** Participation as contractor or management contractor in at least 2 (two) contracts within the last 10 (ten) years, each with a value of at least US$384 million that have been successfully completed and that are similar to the proposed plant and services. These contracts must have been done outside of the bidder's home country. In case of a JV, all partners combined must meet the requirement.

**6.** The Bidder must have experience of decommissioning of at least one thermal power plant of a minimum of 25MW within the last 5 (five) years. In case of a JV, at least one of the partners must meet the requirement.

**7.** The Bidder must meet the following key experience requirement: (I) satisfactory service of proposed model gas turbine generators in at least 3 (three) different projects over a minimum period of 5 (five) years (II) successfully completed the construction of at least 2 (two) combined cycle power plant of a minimum of 300 MW during the last 10 (ten) years as EPC Main Contractor. In case of a JV, all partners combined must meet the requirement.

**8.** The Bidder must have experience as EPC Main Contractor in at least one of the following countries: Afghanistan, Turkmenistan, Kazakhstan, Uzbekistan, Armenia, Pakistan, Azerbaijan. In case of a JV, at least one of the partners must meet the requirement.

**IV.** Toobtain further information and inspect the bidding documents, Bidders should contact:
**Alisher Yunusov, Head of PMU**
**JSC «Takhiatash TPP» of Joint Stock Company (JSC) Uzbekenergo,**
6 Istiqlol St., Tashkent, 100000, Republic of Uzbekistan.
Phone: (+99871) 236-34-52. Fax (+99871) 236-34-52
E-mail: pmutaxiatash@uzbekenergo.uz
It is compulsory to duplicate correspondence to: takhiatash.pmu@gmail.com

**V.** In order to participate in the Bidding the eligible bidders shall purchase the Bidding Documents in English from the Employer and should:

- write to address above requesting the bidding documents for Contract No JSC «Takhiatash TPP»/ICB-2015-1 «Construction of two combined cycle gas turbine units with capacity of 230 — 280 MW at Takhiatash TPP»
- pay a non-refundable fee of $ 500 (five hundred) US dollars or equivalent amount in national currency at the rate of Central Bank of Republic of Uzbekistan on the day of payment by bank transfer to the following account of JSC «Uzbekenergo»:

**JSC «Uzbekenergo»**

***For local currency (Central Bank exchange rate)***
Adress: 6 Istiqlol street, Tashkent
Tel.: 236-34-52
Accoung №: 20210000900117832001 JSCB «Uzpromstroybank», Tashkent
MFO: 00440 TRN: 200523134 INOTP: 97300

***US dollar account***
Account: 20210840700117832004 UzPSB
SWIFT UJSIUZ22 CHIPS UID 353886
MFO 00440 TRN 200523134
Correspondent Bank: CITIBANK N.A. New York USA
SWIFT CITIUS 33 Account: 3611-4296
Indicate in details: ADB contract number JSC «Takhiatash TPP»/ICB-2015-1

**VI.** First stage bids should be presented to:

- to the address indicated in the paragraph IV above.
- on or before the deadline: Date: **2nd of March 2016.** Time: 10:30 (Tashkent local time GMT +5:00)

Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of bidders representatives who choose to attend.

1795-2R/756

## ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда академик чолғулар, эстрада ва анъанавий ижрочилик бўйича “Истеъдод” халқаро танлови якунланди.*

# Истеъдодлар мамлакати

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва жаҳон санъати дурдоналари билан таништириш, мусиқага оид қизиқишларини қўллаб-қувватлашга улкан эътибор қаратилаяпти. Замонавий ўқув муассасалари, уларда яратилган кенг имкониятлар ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад, ўғил-қизларимизни ҳар жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялашдир.

Шу маънода, “Истеъдод” халқаро танлови ҳам ёшлик ва санъат байрамига айланди. Унда Ўзбекистон, Франция, Корея Республикаси, Озарбайжон каби давлатлардан жами 160 дан ортиқ навқирон ижрочилар қатнашиб, миллий мусиқа намуналари, жумладан, дунёга машҳур санъат асарларини ижро қилишди. Танлов янги истеъдодларни кашф этгани, қолаверса, унда янграган куй ва наволар орқали тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳамда инсон кўнглидаги энг эзгу туйғулар тараннум этилгани билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

— Ўзбекистонда санъат соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларга ҳавас қиламиз, — дейди танлов ҳайъати аъзоси, Озарбайжоннинг “Каинат” ижодкор ёшлар маркази бош директори Рагиб Расулзода.

— Мамлакатингизда миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналарини пухта ўзлаштирган янги авлод шаклланиб келаяпти. Ушбу ижодий беллашувда ўзбекистонлик ёшларнинг чиқишларини кўриб, кузатиб ва марок билан тинглаб, уларга яна бир бор қойил қолдим.

Мазкур халқаро танлов ёш тоифасига кўра, икки гуруҳда (12 — 15 ёш ва 16 — 19 ёш) ўтказилиб, қатнашчилар фортепьяно, торли чолғулар (скрипка, альт, виолончель, контрабас), эстрада ҳамда анъанавий хонандалик каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Тадбирда ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

— Кўплаб нуфузли ижодий анжуманларда иштирок этганман, — дейди фортепьяно йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибаси Анна Дўстмуротова. — Аммо бу галгиси иқтидорли ёшларнинг кўплиги билан ажралиб турди. Бундай тадбирлар маҳоратимизни оширишга ҳам жуда катта ёрдам беради. Дарҳақиқат, мамлакатимизда биз, ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бунинг учун Президентимизга раҳмат.

Халқаро танлов турли миллатга мансуб санъаткор йигит-қизларнинг фикр ва тажриба алмашишига замин яратгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этди. Хорижлик ёш ижрочилар ҳамда мутахассислар Ўзбекистон истеъдодлар юрти эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилган замонавий шарт-шароитлар, пойтахтимиз осориатиқалари, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Тадбир якунида ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.




Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Давоматни аниқлайдиган дастур

*Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 1600 нафардан зиёд ўғил-қизлар таҳсил олади.*

## ТАЪЛИМ

Яқинда бу ерда “Давомат назорат тизими” жорий этилди. Натижада ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари учун қўшимча қулайлик яратилди.

— Давомат пухта билим ва касб-ҳунар эгаллашнинг муҳим кафолатидир, — дейди коллеж директори Ўрол Тошбоев. — Шу боис бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, дастлаб Бухоро вилоятидаги ўнга яқин ўқув даргоҳларида жорий этилди. Мутахассисларимиз мазкур илғор тажрибани ўрганиб қайтишгач, ўзимизда амалиётга татбиқ қилишди. Бунинг учун муассасамизнинг ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчиси учун махсус ёрлиқлар тайёрланди, ота-оналар телефон рақамлари рўйхати шакллантирилди.

Айтиш жоизки, янги дастурий тизим бир қатор афзалликларга эга. Яъни унга мувофиқ, компьютер махсус ёрлиқлардаги штрих-код ёрдамида бир дақиқа ичида 70 нафар ўғил-қизнинг коллежга қачон келиб-кетганлиги тўғрисида ахборот тўплай олади. Сўнгра ушбу маълумот ота-оналарнинг мобиль телефонига жўнатилади. Шу тариқа ўқувчиларнинг дарс машғулотларида тўлиқ иштирок этиши таъминланади. Қолаверса, фарзанди коллеж эшигидан чиққани заҳоти бундан “SMS” орқали хабар топган ота-она уларнинг бўш вақтларини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# «Гимнастика барча учун»

*Тошкент шаҳрида ана шу шиор остида анъанавий мусобақа бўлиб ўтди.*

## СПОРТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Гимнастика федерацияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятининг 29 жамоасидан 348 киши қатнашди. Улар 10 ёшгача бўлган қизлар ҳамда 50 ёшдан ошган уй бекаларидир. Шу куни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам мазкур шиор остида ўтказилган баҳсларда икки мингга яқин иштирокчилар ўз маҳоратини намойиш қилди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ҳар йили шаҳару қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаяпти. Улар зарур инвентар ҳамда жиҳозлар, малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Турли ёш тоифалари, ҳаваскорлар, профессионаллар ўртасида кўплаб спорт беллашувлари мунтазам ўтказилаётир. Буларнинг барчаси эртамиз эгаларининг баркамол бўлиб вояга етиши, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Бинобарин, юртимизда спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин, акробатика ва бошқа спорт турлари ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда республикамизда бир миллиондан зиёд хотин-қизлар жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланаётгани, уларнинг беш юз минг нафарга яқини қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Ўз навбатида, жорий йилнинг ўн бир ойи давомида қизларимизнинг 65 нафари гимнастика турлари бўйича Осиё ҳамда жаҳон чемпионатлари, турли халқаро беллашувларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олгани барчамизни қувонтиради.

“Гимнастика барча учун” спорт мусобақаси иштирокчилари рақс ҳамда гимнастика элементларини ижро этиш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди. Якунда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур ва Тошкент вилоятининг Бекобод тумани жамоаси биринчи ҳамда иккинчи ўринларни эгаллаган бўлса, Учтепа тумани жамоаси учинчи ўриндан жой олди. Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

*Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида “Орзулари бир олам қалблар” деб номланган кўргазма очилди.*

# Тасвирларда орзулар акси

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Тошкентдаги “Sanvikt” Ногирон болалар илмий тадқиқот маркази ва Қўқон шаҳридаги “Иқтидор” болалар ижодий санъат марказi томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада 100 дан ортиқ расмлар намойиш қилинмоқда. Уларнинг ҳар бирида болаликнинг беғубор олами акс этган: мусаффо осмон, пурвиқор тоғлар, жилдираб оқаётган зилол сув, қишлоқ манзаралари...

Кўргазма доирасида Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан япон санъати бўйича маҳорат дарслари ҳам ташкил қилинди.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

# «Ҳунарманд» компьютерлар

*Чолғу асбобларини ясаш — ўта нозик ва мураккаб жараён. Масалан, биргина рубоб 16 босқичда тайёрланади. Бунинг учун дарахт кесилиб, то соз шаклига киргунигача 7 йил вақт талаб этилади.*

## ИЗЛАНИШ

Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида жойлашган “Ғижжаки Бобурий” оилавий корхонаси тадбиркорлари мазкур жараённи бир неча баробар тезлаштириш йўлини топишди. Бунинг учун хориждан компьютерлаштирилган дастгоҳлар харид қилинди. Модернизациялаш лойиҳаси амалга оширилгач, 8 та қўшимча иш ўрни очилиб, жамоа аъзолари сони 20 нафарга етди.

— Эришган муваффақиятларимиз юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити самарасидир, — дейди оилавий корхона раҳбари, “Ташаббус — 2014” республика кўрик-танловининг “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси ғолиби Абдумалик Мадраимов. — Хусусан, биргина солиқ имтиёзлари туфайли иқтисод қилинган маблағни техник ва технологик янгилаш тадбирларига йўналтирдик. Натижада тайёрлаётган миллий созларимиз тури ўнтага етди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 21 НОЯБРДАН 27 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2015 йил 2 ноябрдаги 25-мҳ, 21-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731 (2015 йил 30 ноябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 9 ноябрдаги 126-сонли «Юк кўтариш машиналарини хавфсиз ишлатишни назорат қилувчи муҳандис-техник ходимлар учун намунавий йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2732 (2016 йил 1 мартдан кучга киради).**

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 11 ноябрдаги 138-мҳ-сонли «Телекоммуникация операторлари (провайдерлари)нинг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2733 (2015 йил 30 ноябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 105, 99, 2015/10-9, 01-02/8-42-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-4 (2015 йил 30 ноябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 30 октябрдаги 9-2015-сонли «Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2734 (2015 йил 30 ноябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тасдиқланган Йўловчиларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртасини ўтказиш, суғурта тўловлари бўйича транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш, суғурта пулларини аниқлаш ва тўлаш тартиби ҳақидаги қоидалар (рўйхат рақами 27, 1994 йил 1 март).

**Адлия вазирининг 2015 йил 11 ноябрдаги 343-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ЭЪЛОНЛАР


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 26 декабрдаги 18-1306/27390-сонли, 2014 йил 23 июндаги 18-1405/12396-сонли, 21 июлдаги 18-1405/15750-сонли, 27 октябрдаги 18-1404/21447-сонли, 3 ноябрдаги 18-1407/22487-сонли ҳамда 2015 йил 20 апрелдаги 18-1504/3631-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қарши темир-бетон сервис» МЧЖга қарашли, «Мега темир-бетон сервис» шуъба корхонасига тегишли, Қарши шаҳри, Ғафур Ғулом номидаги МФЙ, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 8-уйда жойлашган, 3 қаватли, қурилиш майдони 399,07 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 505 338 100 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 31 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 29 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1797R/02

Лицензия: RR-0001.

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2015 йил 2 июлдаги 19085/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Иноқобод кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 255,69 кв.м., тураржой майдони 108,87 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 6 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

**2.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 20 августдаги 10-1518/10156-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Бирлашган 6-тор кўчасида жойлашган, умумий майдони 725,0 кв.м.дан иборат уч қаватли ва ертўладан иборат бўлган супермаркет (клиника биноси) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 915 000 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1796R/6

Хизматлар лицензияланган.

**Qishloq Qurilish Bank**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

**банкнинг электрон ахборотларини криптографик ҳимоялаш тизимини Марказий банкнинг талаблари асосида ташкил этиш учун тегишли дастурий маҳсулотни сотиб олиш бўйича**

**танлов савдоларини эълон қилади.**

*Тижорат таклифлари биржа талабномаси биржа савдоларига қўйилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.*

**Батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 100011, Тошкент ш., Навоий к., 18-«А» уй. Телефон: (0-371) 150-76-85.**

Хизматлар лицензияланган.

1793R/632

**«REALTOR GARANT BUSINESS»**

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 18 ноябрдаги № 233 (6406)-сонида чоп этилган эълонда 2015 йил 7 декабрь кунига белгиланган аукцион савдоларини ўтказиш санаси 2015 йил 9 декабрь кунига кўчирилганлигини маълум қилади.

1745R/821

Хизматлар лицензияланган.


Тошкент кимё-технология институти жамоаси касб-ҳунар коллежлари бўйича проректор Дилшод Қорабоевга волидаи муҳтарамаси

**Муқаддас ҚОРАБОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 494 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Девонхона (0-371) 233-52-55;***
***Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.***

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15** 1 2 3 4 5